

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВ ФАРХОД ХАЙРУЛЛОЕВИЧ

**ПАХТА ТОЗАЛАШ МАШИНАЛАРИ УЧУН АРРАЛАРАРО
ҚИСТИРМАЛАРНИНГ ЯНГИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА УНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническом наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ибрагимов Фарход Хайруллоевич

Пахта тозалаш машиналари учун арралараро қистирмаларнинг янги
конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослаш3

Ибрагимов Фарход Хайруллоевич

Разработка и обоснование параметров новой конструкции междупильных
прокладок хлопкоочистительных машин.....21

Ibragimov Farkhod

Development and justification of the parameters of the new design of cotton
grommet interlayer.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВ ФАРХОД ХАЙРУЛЛОЕВИЧ

**ПАХТА ТОЗАЛАШ МАШИНАЛАРИ УЧУН АРРАЛАРАРО
ҚИСТИРМАЛАРНИНГ ЯНГИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА УНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Т621 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухаммадиев Давлат Мустафаевич
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Усманкулов Алишер Кадиркулович
техника фанлари доктори, доцент

Абдуғаффоров Хусниддин Жўрабекович,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «28» феврал соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2019 йил «13» феврал куни тарқатилди.
(2019 йил «13» февралдаги 56 - рақамли реестр баённомаси).

Б.О. Онорбоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Э.Гуламов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.,

С.А.Хамраева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раис ўринбосари, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пахта толаси тўқимачиликнинг асосий хомашёларидан бири ҳисобланиб, унинг сифатини пахта тозалаш машиналарини такомиллаштириш орқали амалага оширилмоқда. Дунё статистикаси ва «Пахта бўйича халқаро консултантлик қўмити (ICAC)нинг маълумотларига кўра, жаҳон бозорида пахта экиладиган майдонларнинг 2%га қисқартирилиши натижасида ундан тайёрланган маҳсулотга бўлган талаб 33,4 млн. тоннагача ортиб бормоқда»¹. Ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Бразилия, Хитой, Ҳиндистон, Покистонда пахта тозалаш машиналарининг ресурстежамкор эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада пахта тозалаш саноатини янада ривожлантиришда янги ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, маҳсулот таннархини камайтириш ва жаҳон пахта бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш ва уларни илмий асосларини яратиш бўйича кенг миқёда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан пахта тозалаш корхоналарнинг асосий машинаси ҳисобланган аррали жиннинг ишлаш жараёнини автоматлаштириш, иш унумдорлигини ошириш, ишчи камерани ресурстежамкор қисмлар билан жиҳозлаш, уларни мустаҳкамликка таъсирини аниқлаш, машинанинг эксплуатация ишончилигини такомиллаштириш, математик моделларини ишлаб чиқиш ва уларнинг оптимизация масаласи ёрдамида олинаётган пахта толасининг табиий сифатини сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга янги конструкциядаги ресурстежамкор арраларо қистирмаларни ишлаб чиқиш, уни параметрларини асослаш, самарадорлигини оширувчи ресурстежамкор қисмлар билан таъминлаш ва энергия сарфини камайтириш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда пахтага бирламчи ишлов берадиган технологик машиналар ва асбоб-ускуналарнинг ресурстежамкор ишчи қисмлари ва қурилмаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажариш, жумладан янги конструкциядаги арраларо қистирмали аррали жинни яратиш, электр энергия сарфини камайтирувчи ресурстежамкор машина ускуналарини техника ва технологияларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

¹ Cotton: World Statistics. <http://www.ICAC.org>; <http://www.statica.com>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 24 июлдаги ПҚ-3855 «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг П.«Энергетика, энергия- ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аррали жиннинг ишчи қисмларини такомиллаштириш, ишчи қисм ва деталларнинг энергия- ва ресурстежамкорлигини, машина иш унумдорлигини ва мустаҳкамлигини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари чет эллик олимлар E.Whitney, S.Z.Hall, T.Elliot, S.E.Hughs, R.N.Rakoff, A.Stanley, R.G.Hardin, P.A.Funk ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Мамлакатимизда қатор олимлар, жумладан Р.Г.Маҳкамов, П.Н.Тютин, Р.Ш.Раҳматқориев, А.Джураев, И.Т.Махсудов, М.Тиллаев, М.Агзамов, Д.Якубов, А.Артукмедов, Д.М.Мухаммадиев, И.Г.Шин ва бошқалар аррали жин машинасининг иш унумини ошириш, уларни ресурстежамкор қисмлар билан жиҳозлаш ва жин машинаси сарфлаётган энергия миқдорини камайтириш бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Олиб борилган таҳлиллар натижалари жин ишчи камераси колосниклар оралиқларида арра жойлашувининг аниқлиги ва аррали цилиндр сиқиш кучининг катталиги масалалари етарли даражада ўрганилмаганлигидан далолат беради. Хорижда ишлаб чиқарилган аррали жин ишчи қисмларини тўғридан-тўғри маҳаллий аррали жинларда фойдаланиш имконияти мавжуд эмас, чунки улар алюминийли қотишмасидан тайёрланлиги учун таннархи қиммат. Пахта тозалаш машиналари учун фойдаланиладиган арралараро қистирманинг янги конструкцияларини ишлаб чиқариш бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №КА-3-012 «Аррали жин ресурстежамкор қисмларини ишлаб чиқиш» ва №ИОТ-2017-2-15 «Аррали жин арралараро қистирмаларини янги конструкциясини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш» мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аррали жиннинг иш унумдорлигини ошириш мақсадида арраларо қистирмаларнинг янги ресурстежамкор конструкциясини яратиш ва параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аррали жин машинаси технологик жараёнини таҳлил қилиш ва аррали жин учун янги конструкциядаги энергия- ва ресурстежамкор арраларо қистирмани ишлаб чиқиш;

пўлат Ст.3 ва алюминийли АК5М2 қотишмадан тайёрланган арраларо қистирмаларнинг радиал тебраниш динамика тенгламаларини ишлаб чиқиш;

айланишдаги тебраниш ва вал бурилиш бурчагини аниқлаш учун аррали цилиндр машина агрегатининг тўпланган ва ёйилган параметрларга эга ҳаракат тенгламасини тузиш, динамик моделини асослаш;

энергия сарфини камайтирувчи ва ресурстежамкорликни оширувчи, янги конструкциядаги арраларо қистирманинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 4ДП-130 маркали жиннинг арраларо қистирмалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини аррали жин арраларо қистирмасининг конструкцияси, унинг ҳисоб схемалари ва аррали цилиндр қисмлари ҳаракатининг боғланишларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий механика асослари, машина ва механизмлар назарияси, математик моделлаштириш, тажриба ишларини режалаштириш ва тажриба маълумотларига ишлов бериш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аррали жин учун ресурс- ва энергиятежамкор арраларо қистирмаларнинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

аррали жин қистирмалар геометрияси ва массаси, ҳамда тайёрланадиган материаллари ҳисобга олинган ҳолда радиал тебранишлар ўзгаришининг боғланишлари ишлаб чиқилган;

арраларо қистирма сиқилиш кучининг ва арра цилиндри вали бурилиш бурчагининг максимал қийматлари умумлашган ва ёйилган кучларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

жиннинг арраларо қистирмалари ҳаракатининг ўзгариш боғланишлари ишлаб чиқилган, аррали цилиндрнинг технологик қаршиликларини ҳисобга олган ҳолда айланишнинг критик частотаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумлашган (II турдаги Лагранж тенгламаси асосида) ва тақсимланган (цилиндрик координаталардаги Лаплас тенгламаси) параметрли аррали жиннинг динамик параметрларини аниқлаш бўйича ЭХМда бажариш учун дастурий маҳсулот яратилган;

жин арраларо қистирмаларини динамик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

янги конструкциядаги ресурстежамкор арралараро қистирмали жин машинасининг аррали цилиндри такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пахта тозалаш машиналари йўналиши бўйича олинган ва назария ва тажриба натижаларининг мослиги, натижаларни солиштириш ва баҳолаш мезонлари ҳисобга олиниб, синовдан ўтказиш ва жорий этишдаги ижобий натижалар, уларнинг адекватлиги, олиб борилган тадқиқотлар натижалари ва қаралаётган фанлар доирасида қиёсий таҳлилнинг ижобийлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти арралараро қистирмаларнинг радиал тебранишлари динамикаси, аррали жин машина агрегатларининг динамик ва энергетик кўрсаткичларини, шунингдек арралараро қистирмаларнинг чидамлилиқ кўрсаткичларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тола сифатини сақлаган ҳолда арралараро қистирмаларнинг оптимал параметрлари ишлаб чиқилганлиги, жин аррали цилиндрининг аниқлигини оширилганлиги, арралараро қистирмаларнинг энергия- ва ресурстежамкор конструкцияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жин арралараро қистирмасининг такомиллаштирилган конструкциясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалари асосида:

пахта тозалаш машиналари учун арралараро қистирманинги янги конструкцияси бўйича Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (“Пахта тозалаш машиналари учун арралараро қистирма”, №FAP 01182-2017й). Натижада радиал тебраниш амплитудасини 4,5 мартага, сиқиш кучини 2 мартага камайтириш имкони яратилган;

толани чигитдан ажратиш машиналари учун арралараро қистирмаларга Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Пахта тозалаш машиналари учун аррали цилиндр», №FAP 00786-2012й). Натижада аррали цилиндрининг арралараро қистирмалари ресурстежамкорлигини ҳамда ишлаш муддатини икки баробарга ошириш имкони яратилган;

жин арралараро қистирманинги янги конструкцияси «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги кирувчи корхоналарда, хусусан «Қорасув пахта тозалаш», ҳамда «Бўка пахта тозалаш» корхоналарига жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2018 йил 31 июлдаги №02-29/4573-сон маълумотномаси). Натижада аррали цилиндрининг энергия сарфини 7,1%га камайтириш ва арралараро қистирманинги ресурстежамкорлигини 46,5%га ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 6 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD)

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола ва Ўзбекистон Республикасининг мулк агентлиги томонидан фойдали моделга 2 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аррали жинлаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳолатининг аналитик таҳлили**» деб номланган биринчи бобида МДХ ва чет эллардаги аррали жин конструкциялари таҳлил қилинган. Маҳаллий ва чет элда ишлаб чиқилган аррали жиннинг мавжуд конструкциялари таҳлили маҳаллий ишлаб чиқарилган арралараро қистирмалар колосник оралиғида арралар координациясининг аниқлигини таъминлай олмаслигини кўрсатди.

Аррали жин асосий технологик машинаси конструкциясини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилганлигига қарамасдан, уни такомиллаштириш бўйича мавжуд захиралардан, хусусан арралараро қистирма ишончлилигини ошириш нуқтаи назаридан диск ва халқа кўринишидаги янги конструкция яратиш имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаган. Бунда аррали цилиндр машина агрегатидан фойдаланиб, арралараро қистирмалардаги динамик юкланишларни ўрганиш зарур. Натижада, кейинги тадқиқотлар арралараро қистирмаларнинг динамик, конструктив ва технологик параметрларини ўрнатишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Диссертациянинг иккинчи «**Аррали цилиндрнинг арралараро қистирмаларни тебраниш динамикаси**» бобида юқорида қайд этилган нуқсонларни бартараф этиш учун арралараро қистирманинг янги конструкцияси таклиф қилинган (1-расм). Бунда вал ўлчамидаги тешикли диск ва концентрик жойлашган белбоғ мустаҳкам пўлат Ст.3 маркали пўлат металлдан тайёрланган бўлиб, дискнинг ташқи диаметри тўғри тишли шлицлар кўринишида, концентрик жойлашган белбоғ эса диск ва халқани бирлаштириш учун периметр бўйлаб тешиклардан иборат халқа шаклида ясалган. Янги конструкциядаги арралараро қистирмаларнинг конструктив ўлчамлари юқори аниқликда тайёрланганлиги ҳисобига умрбоқийлиги ва ресурстежамкорлигини ошириш имкони яратилган.



1-расм. Арраларо қистирманинг янги конструкцияси


Таклиф этилаётган энергия- ва ресурстежамкор арраларо қистирма конструкциясининг самарали ишлаши учун қуйидаги масалаларни ечиш зарур:

- 1) арраларо қистирманинг радиал тебраниш частотасини аниқлаш ва динамик параметрларга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш зарур;
- 2) жиннинг арраларо қистирмалари инерция моментини камайтиришни таъминлайдиган оптимал конструктив ўлчамларни ўрнатиш;
- 3) аррала цилиндр машина агрегатига математик моделлаштириш усуллари қўллаш асосида арраларо қистирма сиқилиш кучининг максимал қийматини ва айланиш вақтида аррала цилиндрнинг бурилиш бурчагини аниқлаш.

Арраларо қистирманинг конструктив параметрларини танлаш учун унинг инерция моментини аниқлаш зарур (2-расм). У ўлчам ва вазнга боғлиқ бўлиб, вазн эса қистирма тайёрланган материалга боғлиқдир.


Биз Ст.3 ва АК5М2 материаллардан фойдаланишни таклиф қилдик, чунки улар стандарт материаллар ҳисобланади. Улар учун контакт қалинлиги δ га боғлиқ ҳолда арраларо қистирманинг инерция momenti ўзгариши графиги қурилди (3-расм).

График таҳлили шуни кўрсатдики, Ст.3 пўлат материалдан бир хил вазндаги арраларо қистирмаларни тайёрлаш учун контактнинг зарур қалинлиги $\delta=0.002$ м ни ташкил қилиши лозим.




1 – белбоғ; 2 – диск; 3 – вал учун тешиқ

2-расм. Арраларо қистирмаларни ҳисоблаш схемаси



3-расм. Контакт қалинлиги δ га боғлиқ ҳолда арраларо қистирма инерция моментининг ўзгариши



4-расм. Арраларо қистирманинг кўндаланг кесим юзасига боғлиқ ҳолда радиал тебранишлар частотасининг ўзгариши


Арраларо қистирмаларнинг таклиф қилинаётган конструкциясининг самарадорлигини аниқлаш учун унинг радиал тебраниш частотасини аниқлаш лозим (4-расм). Арраларо қистирманинг узунлик бирлигидаги масса m_0 , кўндаланг кесим юзаси F , материалнинг эластиклик модули E , $\delta \ll R$ деб қабул қилинди. Тебранишнинг радиал частотаси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\omega = \frac{\sqrt{EF / m_0}}{R} . \quad (1)$$

Арраларо қистирманинг радиал тебраниш частотасини ҳисоблаш вертикал йўналишдаги тебранишларни алюминийли АК5М2 қотишмага нисбатан Ст.3 пўлат учун 2% га камайтиришини ўрнатиш имконини берди. Ундан ташқари, арраларо қистирмаларнинг радиал тебраниши частотаси қиймати (Ст.3 учун 63461 с^{-1} ва АК5М2 учун 64689 с^{-1}) аррали цилиндрнинг айланиш частотаси (76.44 с^{-1}) дан анча катта эканлиги аниқланган.

Арраларо қистирма элементини кўриб чиқамиз (5-расм). Ҳамма кучларни радиусга проекциялаб, қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$\ddot{u} + \frac{EF}{m_o R^2} u = \frac{p_o}{m_o} + \frac{p_1}{m_o} \cos \omega t. \quad (2)$$




5-расм. Арраларо қистирмаларни ҳисоблаш схемаси

Ўзгармас p_o босим арраларо қистирманинг радиал кўчишининг статик ташкил этувчисини юзага келтиради. Арраларо қистирманинг барқарор тебранишлари учун қуйидаги ўринли:

$$u_1 = \frac{p_1}{m_o \left(\frac{EF}{m_o R^2} - \omega^2 \right)} \quad (3)$$


Чўзилиш ва сиқилиш шароитидаги арраларо қистирманинг кўндаланг кесимидаги эластиклик кучи катталиги $N = EFu/R$ га тенг. Бу ерда u – арраларо қистирма радиал деформацияси (u ва N нинг ижобий қиймати арраларо қистирманинг чўзилишига мос келади).

Арраларо қистирма радиал тебранишларига доир ҳисоб натижалари Ст.3 пўлатдан тайёрланган қистирмада ($1.236 \cdot 10^{-6} \text{ м}$), алюминийли қотишмадан тайёрланганига ($5.65 \cdot 10^{-6} \text{ м}$) нисбатан, вертикал йўналишдаги тебранишлар амплитудаси 4,5 марта кам бўлишини кўрсатди (6-расм).



6-расм. Арраларо қўстирманинг кўндаланг кесим юзасига боғлиқ ҳолда радиал тебранишлари амплитудасининг ўзгариши


Арраларо қўстирмалар сиқилишининг максимал қийматини ва аррала цилиндр валининг айланиш вақтидаги бурилиш бурчагини аниқлаш учун тўпланган (7-расм) ва ёйилган параметрли (расм 8.) тизимостилардан ташкил топган аррала цилиндр машина агрегати системаси ўрганилди.



7-расм. Аррала цилиндрининг динамик модели


Лагранж тенгламасидаги ҳадларни аниқлаб, аррала цилиндр машина агрегати ҳаракати дифференциал тенгламасини умумий кўринишда оламиз:

$$\left. \begin{aligned} \mathfrak{I}_d \ddot{\phi}_d &= M_d - c(\phi_d - \phi_2) - b(\dot{\phi}_d - \dot{\phi}_2), \\ \mathfrak{I}_2 \ddot{\phi}_2 &= c(\phi_d - \phi_2) + b(\dot{\phi}_d - \dot{\phi}_2) - M_{cp} - M_0 \sin(\omega_2 t + \phi_{20}). \end{aligned} \right\} \quad (4)$$



8-расм. Вал элементар қисмларига таъсир қилувчи омилларнинг схематик тасвирланиши

Харакатлантирувчи двигатель характеристикасини аррали цилиндр машина агрегатининг ҳаракат тенгласига татбиқ қилиш орқали аррали цилиндр бурчак тезланишининг t га боғлиқ ҳолда ўзгариш қонуниятини ўрнатиш имконияти яратилди (9-расм).



9-расм. Аррали цилиндр бурчак тезланишининг вақтга боғлиқ равишда ўзгариши

9-расм таҳлили натижаларининг кўрсатишича, электродвигателнинг критик ҳаракатлантирувчи моменти $40000 \text{ Н}\cdot\text{м}$ ни ташкил қилади, ўтиш жараёни 3 с давом этади; аррали цилиндр бурчак тезланиши максимал қиймати $8739,828 \text{ рад/с}^2$ га $t=1,844 \text{ с}$ бўлганда эришилади. Бурчак тезланишининг ўзгариш қонуниятини эса қуйидаги функция кўринишида ифодалаш мумкин:

$$\frac{\partial^2 \varphi_2}{\partial t^2} = \ddot{\varphi}(t) = 200 e^{2,05t} \cos 75t. \quad (5)$$

Таянчлар орасидаги аррали цилиндр вазни 258.8 кг, арралараро қистирма радиуси 0.08 м эканини ҳисобга олиб, арралараро қистирмага тушадиган юкламани – 180990 Н аниқлаймиз.


$x=0$ да $\frac{\partial \phi_2}{\partial x} = \dot{\phi}_{2x} = 0$, $\phi_{2x} = 0$ шартлар ўринли.

У ҳолда $C_1=0$ и $C_2=0$ бўлиб, тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\dot{\phi}_{2x} = \frac{1}{GI} \left((200 \rho e^{2,05t} \cos 75t) x - \frac{M_{cp} + M_0 \cos \pi \omega_2 t}{2 R \Delta \phi_2 l} x^2 \right), \quad (6)$$

$$\phi_{2x} = \frac{1}{GI} \left((200 \rho e^{2,05t} \cos 75t) \frac{x^2}{2} - \frac{M_{cp} + M_0 \cos \pi \omega_2 t}{6 R \Delta \phi_2 l} x^3 \right). \quad (7)$$


(6)-(7) тенгламаларнинг ечими жиннинг ёйилган параметрли аррали цилиндри валининг айланма тебраниши динамикасини ўрганиш имконини берди (10-расм).



10-расм. Аррали цилиндр вали бурчак тезланишининг узунлик ва вақтга боғлиқ ҳолда ўзгариши

Аррали цилиндр вали бурчагининг нисбий бурилишга (10-расм) ва айланиш вақтидаги валнинг узунлигига l нисбатан бурилиш бурчагининг ўзгариши графиклари олинди (11-расм).

Аррали цилиндр бикрлиги ҳисобга олинган натижаларнинг таҳлили силжиш модули 3 марта катталаштирилган Ст.3 пўлатдан тайёрланган қистирмаларни қўллаш аррали цилиндрининг бикрлигини 16 %га ошириш ва аррали цилиндр бурчак бурилишини 3.172 °/м дан 1.051°/м гача камайтириш имконини беришини кўрсатди. Бу ҳисоблашлар қистирмаларни АК5М2 алюминийли қотишма ўрнига Ст.3 пўлатдан тайёрлаш лозимлигини аниқлаб берди.



11-расм. Бурилиш бурчагининг аррали цилиндр вали узунлигига боғлиқ ўзгариши ($t=1.8$ с)

Аррали цилиндрнинг критик айланишларини тадқиқ қилиш аррали цилиндрнинг бирлик узунлигига тўғри келадиган хом-ашё валиги массаси 0 дан 42 кг/м ошиши билан критик бурчак тезлиги 119.66 дан 101.79 рад/с га камайишини (15%), $m_l=38$ кг/м да EJ_x аррали цилиндр валининг эгилишдаги бикрлигини 100000 дан 1000000 Н·м² гача ошиши билан критик бурчак тезлиги 135.02 рад/с дан 42.70 рад/с га камайишини, бу кўрсаткич биринчи критиккача бўлган соҳада жойлашганлигини ($\omega_p \leq 0.75 \cdot \omega_{1кр}$ — жёсткий вал) 76.44 рад/с \leq (76.43–77.3) рад/с кўрсатади.

Умуман, радиал тебранишларнинг частота ва амплитудасини ҳамда Ст.3 пўлатдан ва АК5М2 алюминийли қотишмадан тайёрланган арраларо қистирмаларнинг кичик тебранишларини ҳисоблаш натижалари серияли аррали жиннинг аррали цилиндрини йиғишда пўлатдан тайёрланган арраларо қистирмалардан фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг учинчи «Арраларо қистирмаларнинг мустаҳкамлигини аниқловчи экспериментал қурилма» бобида арраларо қистирмаларнинг деформацияланишига доир тажриба натижалари келтирилган. Бунинг учун ПММ–125 маркали пресс машинасидан ва тензометрия усулидан фойдаланилди (12-расм). Тажриба натижалари аррали дискга қистирманинг уриниш майдонининг катталашини ишчи зонасида кучланишнинг катталашини олиб келишини кўрсатди. (13-расм).

Лист қалинлигини 2 дан 1.6 мм га камайтириш билан деформация мос равишда 1.2 ва 2 мм ни ташкил қилиши аниқланди. Шу туфайли пўлатдан қистирмалар тайёрланганида уларнинг қалинлиги 2 мм дан кам бўлмаслиги керак. Бу ҳолда кучланиш параметри 428106651.2 Н/мм² ни, сиқиш кучи эса

425000 Н ни ташкил қилади, бу эса арралараро қистирмаларни сиқиш максимал кучидан 2.3 марта каттадир.




а




б

а – тажрибадан олдин; б – тажрибадан кейин.

12-расм. Қистирмалар намунаси



а)



б)


13-расм. АК5М2 (а) ва Ст.3 (б) қистирмалар учун юкланиш ва юксизланиш диаграммалари

Тўртинчи «Аррали жин арралараро қистирмасининг янги конструкциясини тадқиқ қилиш» бобида 90 ва 130 аррали жин цилиндрларининг арралараро қистирмаларига доир тажриба тадқиқотлари кўриб чиқилган. Ишлаб чиқариш шароитида тажрибалар ўтказиш учун 90 ва 130 аррали цилиндрнинг арралараро қистирмаларини синовдан ўтказиш учун дастур ва методика ишлаб чиқилди.

Арралараро қистирмаларнинг янги конструкцияси Тошкент вилоятининг Қорасув пахта тозалаш заводида монтаж қилинди (14-расм).

4ДП–130 аррали жиннинг арралараро қистирмаси тажриба нусхасини Қорасув пахта тозалаш заводида тажриба синовидан ўтказиш натижасида комиссия арралараро қистирмалар жинлашнинг технологик жараёнларини қониқарли бажараётганини аниқлади. Шу билан бирга унинг тола ишлаб чиқариш унумдорлиги 1252.2 кг/с ни (пахтанинг 4-5 нави), аррали цилиндр

электр сарфи 55.7 кВт ни, ишчи камераси шовқини 82.7 дБ ни ташкил этиши аниқланди. Ҳисоблашларга асосан, ишлаб чиқилган арралараро қистирманинг жорий қилиниши натижасида олинган иқтисодий самара бир йилда 15.538 млн. сўмни ташкил қилади, бу эса қўйилган капитал маблағларни тўлиқ қоплайди.



а



б

14-расм. 130 аррали цилиндр (а) ўрнатилган 4ДП-130 жини (б)



а



б

15-расм. 90 аррали цилиндр (а) ўрнатилган 4ДПЗ-90 жини (б)

Ишлаб чиқилган арралараро қистирма Бўка пахта тозалаш заводидаги 90-аррали жинга ҳам татбиқ қилинган (15-расм). Натижада аррали цилиндрнинг энергия сарфи 7.1% га камайгани ва аррали қистирманинг ресурстежамкорлиги 46.5% га ошгани аниқланган. Ҳисоблашларга асосан 90 аррали жин учун ишлаб чиқилган арралараро қистирманинг жорий қилиниши натижасида олинган иқтисодий самара бир йилда 20.563 млн. сўмни ташкил қилади, бу ҳолда ҳам қўйилган капитал маблағлар тўлиқ қопланади.

ХУЛОСА

Арралараро қистирмаларнинг янги конструкцияси параметрларини ишлаб чиқиш ва асослаб бериш бўйича бажарилган назарий ва тажриба тадқиқотларига асосан қуйидаги хулоса ва тавсиялар шакллантирилди:

1. Аррали жинлаш машиналарини таҳлил қилиш натижасида маҳаллий ишлаб чиқарилган 130-аррали жин (арралараро қистирманинг қалинлиги 17.05 мм) ва чет эл фирмалари «EagleMax Series 201 Saw gin» (АҚШ, Continental eagle), Maharaja 158 (Ҳиндистон, Nipha) и МҮ–171 (Хитой, Лебедь) аррали жинларининг (арралараро қистирмалар қалинлиги 14.05 ва 16.05 мм) конструктив ва технологик кўрсаткичлари ўрнатилди.

2. Тўғри йиғилган аррали цилиндр ва яхши созланган технологик тирқишлар ва орани очгичларда жиннинг тўхтаб қолмасдан ишлаши ва юқори сифатли пахта маҳсулоти олиш имконини берди.

3. Аррали жин асосий технологик машинаси конструкциясини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилишига қарамасдан, хусусан пўлат материални қўллаш билан арралараро қистирмаларнинг ишончилигини ошириш нуктаи назаридан, диск ва халқа кўринишидаги янги конструкцияни яратиш ҳисобига такомиллаштириш заҳираларидан тўлиқ фойдаланилмаган.

4. АК5М2 алюминийли қотишмадан тайёрланган серияли қистирмаларнинг мавжуд камчиликларини бартараф этиш учун арралараро қистирмаларнинг Ст.3 пўлатдан тайёрланган ва FAP 01182 патенти билан ҳимояланган янги конструкцияси таклиф қилинган. Ундан ташқари, арралараро бир хил массали Ст.3 пўлат қистирма билан контакт юзасининг $\delta=0.002$ мм дан иборат эканлигини аниқлаш имконини берди.

5. Арралараро қистирмаларнинг радиал тебранишлари частоталарини ҳисоблаш колосник панжарага нисбатан арралараро қистирмаларни вертикал йўналишдаги тебранишларини 6% га (Ст.3 учун 44013.87 с^{-1} ва АК5М2 учун 46917.65 с^{-1}) ва тебраниш амплитудасини алюминийли қотишмага ($5.65 \cdot 10^{-6}$ м) нисбатан Ст.3 пўлат ($1.236 \cdot 10^{-6}$ м) қистирма учун 4.5 марта камайтиришга имконият яратилди.

6. Арралараро қистирмаларнинг кичик тебранишларини ҳисоблашлар Ст.3 ($\tau=7.23079 \cdot 10^{-5} \text{ с}$) пўлатдан ясалган қистирмаларни АК5М2 ($\tau=1.84783 \cdot 10^{-4}$) алюминийли қотишмадан ясалганига нисбатан тебраниш даврини 2.5 марта камайганини ўрнатишга имкон берди, бу эса аррали дискларнинг колосник панжарасига уринишларини камайтиришга имконият яратилди.

7. Жамланган параметрли аррали цилиндр машина агрегатини ўрганиш электрдативателининг критик ҳаракатлантирувчи моменти 40000 Н·м ни ташкил қилишини, ўтиш жараёни 3 с давом этишини, аррали цилиндр бурчак тезланишининг максимал қиймати $t=1.8$ с да 8739.828 рад/с^2 гача етиб боришини кўрсатди. Аррали цилиндрнинг таянчлар орасидаги 258.8 кг га тенг массасини, арралараро қистирманинг 0.08 м га тенг радиусини ҳисобга олиб, арралараро қистирмаларнинг сиқилишининг 180990 Н га тенг

максимал кучи, бурилиш вақтидаги аррали цилиндрнинг бурилиш бурчаги эса $1,89^\circ/\text{м}$ тенглиги аниқланди. Натижада, қистирмаларнинг аррали цилиндрдаги буралишини камайтириш имконини беради.

8. Аррали цилиндрнинг бикрлигини ҳисоблаш натижаларининг таҳлили, силжиш модули 3 марта оширилган Ст.3 пўлатдан тайёрланган қистирмалар аррали цилиндр бикрлигини 16% га оширишини, аррали цилиндрнинг бурилиш бурчагини 3.172 дан 1.051 $^\circ/\text{м}$ га камайтиришини таъминлашини кўрсатди. Бу ҳисоблашлар қистирмаларни АК5М2 алюминийли қотишманинг ўрнига Ст.3 пўлат қотишмадан тайёрлаш имконияти яратилди.

9. Аррали цилиндр критик айланишининг тадқиқи аррали цилиндрнинг узунлик бирлигига тўғри келадиган хом-ашё валигини массасининг 0 дан 42 кг/м гача ошиши билан критик бурчак тезлик 119.66 дан 101.79 рад/с га (15.0%) камайишини, $m_1=38$ кг/м бўлганда биринчи критик зонага қадар ($\omega_p \leq 0.75 \cdot \omega_{1\text{кр}}$ — бикр вал) $76.44 \text{ рад/с} \leq (76.43-77.3) \text{ рад/с}$ бўлган аррали цилиндр валининг EJ_x эгилишдаги бикрлиги 100000 дан 1000000 $\text{Н}\cdot\text{м}^2$ гача ошиши билан критик бурчак тезлик 135.02 дан 42.70 рад/с гача (68.4% га) камайишига имкон берди.

10. Қистирмаларнинг деформацияланишини тажрибавий тадқиқ қилиш учун ПММ-125 маркали пресдан фойдаланган ҳолда тензометрия усули қўлланилган. Тажрибавий тадқиқот натижалари қистирманинг аррали диск билан уриниш майдонининг катталашуви ишчи зонадаги кучланишнинг ортишига имконият яратилди.

11. Лист қалинлигини 2 дан 1.6 мм гача камайтириш натижасида деформация мос равишда 1.2 ва 2 мм ни ташкил қилиши аниқланган. Шунинг учун пўлатдан қистирмалар тайёрлаш учун унинг қалинлиги камида 2 мм бўлиши керак. Бу ҳолда кучланиш параметри $428106651,2 \text{ Н/мм}^2$ ни, сиқиш кучи 425000 Н ни ташкил қиладики, бу куч арраларо қистирмаларни максимал сиқиш кучидан 2.3 марта катта бўлишига эришилди.

12. Янги арраларо қистирмали 4ДП–130 аррали жинни Қорасув пахта тозалаш заводида технологик синаш натижасида қистирма 4ДП-130 аррали жинда пахта хом-ашёсини қайта ишлашнинг узлуксиз технологик жараёнига қўлланган. Ишлаб чиқилган арраларо қистирмани жорий қилиш натижасида иқтисодий самарадорлик, ҳисоблашга кўра, бир йилда 15.538 млн. сўмни ташкил қилади.

13. Ишлаб чиқилган арраларо қистирма Бўка пахта тозалаш зовидаги 4ДПЗ-90 аррали жинига татбиқ қилинди. Ишлаб чиқилган арраларо қистирмани жорий қилиш натижасида иқтисодий самарадорлик бир йилда 20.563 млн. сўмни ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ИНСТИТУТ МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ

ИБРАГИМОВ ФАРХОД ХАЙРУЛЛОЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ НОВОЙ
КОНСТРУКЦИИ МЕЖДУПИЛЬНЫХ ПРОКЛАДОК
ХЛОПКООЧИСТИТЕЛЬНЫХ МАШИН**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроники и
робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2018.4.PhD/Т621.

Диссертация выполнена в Институте механики и сейсмостойкости сооружений Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Мухаммадиев Давлат Мустафаевич доктор технических наук
Официальные оппоненты:	Усманкулов Алишер Кадиркулович доктор технических наук, доцент Абдугаффаров Хусниддин Журабекович, доктор философии по техническим наукам (PhD)
Ведущая организация:	Наманганский инженерно - технологический институт

Защита диссертации состоится «28» февраля 2019 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г.Ташкент, ул. Шохжахон, 5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, аудитория 222, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №). (Адрес 100100, г.Ташкент, ул. Шохжахон, 5, Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.)

Автореферат диссертации разослан «13» февраля 2019 года.
(реестр протокола рассылки № 56 от «13» февраля 2019 года).

Б.О. Онорбоев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.Э. Гуламов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.,

С.А. Хамраева
Зам.председателя научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во многих странах мира хлопковое волокно является основным сырьем текстильной промышленности. По данным Международного консультативного комитета (ICAC), «хлопковое волокно является основным сырьем текстильной промышленности, и на мировом рынке возрастают потребности в изготавливаемой из него продукции до 33,4 млн. т вследствие снижения площади посева хлопка на 2%. Мировая площадь под хлопком составляла в среднем 32.4 млн. га, а выработанное волокно – 25.96 млн. тонн»¹. При этом Узбекистан является шестым крупным мировым производителем хлопка после Китая, Индии, США, Пакистана и Бразилии и третьим крупным экспортером. Узбекистан активно участвует в мировом рынке по производству хлопкового волокна. В этом плане является важным развитие хлопкоочистительной промышленности, а именно создание новых ресурсосберегающих техники и технологии, снижение себестоимости продукции на мировом хлопковом рынке.

В мировой практике проводится много научно-исследовательских работ по усовершенствованию техники и технологии первичной обработки хлопка. В этой связи имеет большое значение автоматизация рабочего процесса пильного джина, который является основной технологической машиной хлопкоочистительных предприятий, повышение производительности труда, снабжение рабочей камеры ресурсосберегающими узлами, определение их влияния на прочность, совершенствование эксплуатационной надежности машины, разработка математических моделей, с помощью которых можно оптимизировать задачи сохранения естественного качества получаемого хлопкового волокна.

В нашей республике осуществляются комплексные меры по развитию хлопковой отрасли, модернизации и техническому перевооружению хлопкоочистительных предприятий, повышению рентабельности производства и переработки хлопка-сырца, а также обеспечению конкурентоспособности выпускаемой продукции. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности по «...повышению конкурентоспособности национальной экономики, уменьшению расходов энергии и ресурсов, широкому внедрению энергосберегающих технологий...»². В связи этих задач, одной из важных является, разработка новой конструкции междупильной прокладки пильного джина, снабжение его ресурсосберегающими узлами, снижение энергопотребления, создание технологии изготовления новых конструкций узлов пильного цилиндра пильного джина.

¹ Cotton: World Statistics. <http://www.ICAC.org>; <http://www.static.com>.

² Указ Президента Республики Узбекистана № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республик Узбекистан».

